O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

N 29 (262) • 2010 йил 31 июль

СОЛИҚЛАР
БУХҒАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.***

*Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 июль.
ПФ-4232-сон.*

*«Халқ сўзи» 2010 йил 29 июлдаги 148 (5063)-сон.*

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.normа.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

## ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР ОШМОҚДА

**Президентнинг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон Фармони билан 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилди.**

Қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланди:

иш ҳақи – ойига 45 215 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 88 845 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд – ойига 45 215 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 88 845 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига – 54 265 сўм.

Ҳужжат билан белгиланишича, 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши билан боғлиқ харажатлар 90 фоиз миқдорида республика давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда 10 фоиз миқдорида бюджет муассасалари ва ташкилотлари сметалари бўйича харажатларни мақбуллаштириш ҳисобидан; пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши республика давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 20 июлда 2123-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Унга мувофиқ пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади (45 215 сўм x 8 = 361 720 сўм). Илгари тайинланган пенсияларнинг миқдорини тенглаштириш ва қайта ҳисоблаб чиқиш мақсадида, йиллар бўйича табақалаштирилган **янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилди.**

**2010 йил 30 июлдан кучга кирди.**

## 2010 ЙИЛГИ МАКТАБ БОЗОРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлдаги 144-сон қарорига биноан** жорий йилнинг 1 августидан 10 сентябрига қадар республиканинг барча аҳоли пунктларида асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган мактаб товарларининг кенг турларини (мактаб-ёзув анжомлари, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, ўқувчилар формаси ва ҳоказоларни) сотиш бўйича махсус мактаб бозорлари ва ярмаркалари ўтказилиши керак. Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни ўтказиш ишларини мувофиқлаштириш учун Ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, унинг зиммасига махсус мактаб бозорлари ва ярмаркалари жойлашувини тасдиқлаш, уларни юқори савияда ва қулай вақтда ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш; мактаблар, лицей ва коллежлар ўқувчиларининг мактаб-ёзув анжомлари, мактаб кийими ва пойабзалига бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва барча зарур предметларнинг қулай нархларда мавжуд бўлишини таъминлаш ва бошқалар вазифалар юклатилган. Ҳужжат билан шунингдек Махсус мактаб бозорлари ва ярмаркаларида сотувда бўлиши мажбурий бўлган мактаб-ёзув анжомлари, мактаб кийими ва пойабзали рўйхати ҳам тасдиқланган.

## ХОДИМЛАРИНГИЗНИ АСРАНГ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида» 153-сон қарори билан меҳнатнинг янги техник ва технологик шартларига, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгартиришларга мувофиқ қайта ишланган Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури тасдиқланди.** Мазкур дастурда Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни суриштириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида **низом** ҳамда Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг иш вақти ва дам олиш вақти тўғрисида **низом** ишлаб чиқилиши назарда тутилган. Дастур доирасида шунингдек тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар учун меҳнат муҳофазасининг 97 та қоидаси, ишлар хавфсизлиги 41 та қоидаси, шунингдек махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини ходимлар учун бепул беришнинг 16 та намунавий нормаси ишлаб чиқилади (ёхуд қайта кўриб чиқилади).

Ҳужжат билан бошқа ўзгартишлар ҳам киритилган.

## ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР УЧУН НИЗОМ

**Ички ишлар вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 14 июлда 2119-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.** Ҳужжатда ёнғинни ўчиришга йўлга чиқиш, ёнғин ҳолатини аниқлаш, одамларни қутқариш, ёнғинни ўчириш тартиби ва бошқа масалалар тартибга солинган.

**2010 йил 24 июлдан кучга кирди.**

## БЕНЗИН УЧУН АКЦИЗ СОЛИҒИ: ЭНГ КАМ СТАВКА БЕЛГИЛАНДИ

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 14 июлда 2120-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан бензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий минимал миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари** қуйидаги миқдорда **белгиланди:** Аи-80 маркали бензинга – камида 254 100 сўм/тоннага; Аи-91, А-92 и Аи-93 маркали бензинга – камида 279 400 сўм/тоннага; Аи-95 маркали бензинга – камида 323 300 сўм/тоннага; дизель ёқилғисига – камида 216 200 сўм/тоннага.

**2010 йил 24 июлдан кучга кирди.**

## ФАҚАТ КОМИССИЯ ХУЛОСАСИГА КЎРА

**Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 17 июлда 2121-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тиббий-психологик-педагогик комиссиялар тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Мазкур комиссияларнинг хулосаларига биноан нутқида, эшитишида, кўришида, таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсони бўлган, психик ривожланишда орқада қолаётган ва мураккаб нуқсонлари бўлган болалар махсус мактабгача таълим муассасаларига қабул қилинадилар.

**2010 йил 27 июлдан кучга кирди.**

## СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ АНИҚЛАШТИРИЛДИ

**Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори *(АВ томонидан 2010 йил 17 июлда 2122-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Утилизация қилинган табиий (машъал) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Низомга мувофиқ, ер қаъридан фойдаланганлик солиқ солиш объекти бўлиб қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни тугал технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий (машъал) газ ҳажмидан ташқари утилизация қилинган табиий (машъал) газ ҳажми ҳисобланади. Солиқ солинадиган база бўлиб эса утилизация қилинган табиий (машъал) газ ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилган қиймати ҳисобланади. Бинобарин, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланади *(2010 йилда утилизация қилинган табиий газ учун ставка солиқ солинадиган базанинг 9 фоизи миқдорида белгиланган).*

**2010 йил 27 июлдан кучга кирди.**

## ҚОИДАЛАР БИРХИЛЛАШТИРИЛДИ

**Адлия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2010 йил 19 июлда 2090-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилган ўзгартишларга мувофиқ,** Тошкент шаҳрида кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган битимларни мамлакатнинг бошқа минтақаларида яшовчи шахслар иштирокида фақат Махсус комиссиянинг рухсатномаси мавжуд бўлгандагина нотариал тасдиқлаш тартиби энди **Тошкент вилоятига ҳам** татбиқ этилади.

**2010 йил 29 июлдан кучга кирди.**

## ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

**Президентнинг 2010 йил 14 июлдаги ПҚ-1365-сон қарори билан Иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомга** *(Президентнинг 2007 йил 19 июндаги ПҚ-655-сон қарори билан тасдиқланган)* **киритилган ўзгартириш** билан энергетика ресурслари ва меҳнат ҳақи фондини тежашдан олинган маблағлар Молия вазирлиги ҳузуридаги Нарх-навони тартибга солиш жамғармасига олиб қўйилмаслигини назарда тутувчи меъёр чиқариб ташланди.

***

**Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 июлдаги 146-сон** 4-бетда

УШБУ СОНДА

1, 4-бетлар — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
4-бет — Саволингизга жавоб берамиз
5-бет — Касаначилик: юрист маслаҳати
6-бет — Ҳайдовчининг меҳнат қоидалари

$1 = 1605,55 сўм | € 1 = 2091,71 сўм | £1 = 2480,41 сўм | ¥10 = 183,20 сўм

# ПЛАСТИК КАРТОЧКА

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ «БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИНИ

***2010 йил 19 апрелда Президентнинг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори** (бундан кейин – ПҚ-1325-сон қарор)* ***қабул қилинди.***

***Ҳужжат пул муомаласи тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантириш ва банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш, банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда аҳоли томонидан тўловлар амалга оширилиши учун қулай шароитлар яратиш ҳамда илғор банк технологияларини жорий этиш асосида хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган.***

### КИМЛАРГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

ПҚ-1325-сон қарор аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи чакана савдо ва хизматлар кўрсатишнинг қуйидаги объектларига дахл этади:

- автовокзаллар ва автостанциялар кассалари;
- кредит ташкилотлари (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар), суғурта ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари;
- турғун савдо шохобчалари, шу жумладан дорихоналар;
- умумий овқатланиш объектлари;
- аҳолидан уй-жой-коммунал хизматлари, шунингдек телефон, шу жумладан уяли телефон алоқаси хизматлари учун тўловларни қабул қилиш пунктлари;
- автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари;
- маиший хизмат кўрсатиш ва маданий-оммавий ҳамда томоша тадбирларини ўтказиш объектлари;
- аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектлар.

### НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан банк пластик карталари воситасида тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан мажбурий жиҳозланадиган, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган **чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш объектларининг рўйхати кенгайтирилди.**

### ЯНГИЛИКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

| *Илгари амал қилган қонун ҳужжатларига биноан ҳам, ҳозир амалдаги қонун ҳужжатларига биноан ҳам терминал ўрнатиши шарт бўлган чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш объектлари* | *Илгари мавжуд бўлган объектларга қўшимча қилинган чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш объектлари* | *Уларга нисбатан талаблар ўзгартирилган чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш объектлари* |
|---|---|---|
| 1) авиация ва темир йўллар патталарини сотиш кассалари<br>2) уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳузурида очилган аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчалари<br>3) телефон, шу жумладан уяли алоқа телефонлари хизматлари учун тўловларни қабул қилиш шохобчалари<br>4) аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қабул қилиш шохобчалари<br>5) автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари<br>6) савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчалари<br>7) ресторанлар<br>8) иш ҳақи тўлаш пластик карточкалардан фойдаланиб амалга ошириладиган корхоналар ва муассасалардаги умумий овқатланиш объектлари<br>9) меҳмонхоналар<br>10) алоқа бўлимлари | 1) автовокзаллар ва автостанциялар кассалари<br>2) автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари<br>3) кредит ташкилотлари (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар)<br>4) суғурта ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари<br>5) дорихоналар<br>6) маиший хизмат кўрсатиш ва маданий-оммавий ҳамда томоша тадбирларини ўтказиш объектлари *(масалан, гўзаллик салонлари, кимёвий тозалаш шохобчалари, модалар ательелари, тўйлар, юбилейларни ташкил этиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқалар)*<br>7) аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектлар *(масалан, туристик фирмалар, матбаа хизматлари, фотохизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар, машина ювиш шохобчалари, авто-устахоналар ва бошқалар)* | 1) умумий овқатланиш объектлари<br>2) турғун савдо шохобчалари<br>3) аҳолидан тўловларни қабул қилиш шохобчалари |

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланиш тўғрисида низомга[1] 1-иловага биноан назорат-касса машиналари (НКМ)ни қўлламасдан аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган объектлар бундан мустаснодир.

**ЎЗИНИНГ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИГА КЎРА АҲОЛИ БИЛАН ПУЛЛИ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАМАСДАН АМАЛГА ОШИРА ОЛАДИГАН САВДО КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ АЙРИМ ТОИФАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ**

1. Аҳолига хизмат кўрсатаётганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар бўйича қатъий ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланган квитанциялар ёзадиган, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар берадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар.

2. Қуйидагиларни амалга оширувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар:
2.1. Газета ва журналлар сотиш.
2.2. Цистерналар, саватлар, лотоклар, қўл аравачаларида майда чакана савдо, шунингдек сабзавот ва полиз экинларини уюм қилиб чакана сотиш.
2.3. Бозорларда:
ёрдамчи хўжалик маҳсулоти билан;
ўзи етиштирган маҳсулот билан савдо қилиш.
2.4. Самолётлар ва поездларда маҳсулот реализация қилиш (вагон-ресторанлардан ташқари).
2.5. Кўчма савдо (дўконлар, автомашиналардан реализация қилиш).
2.6. Умумий овқатланиш маҳсулотларининг кўчма (лоток) савдоси.

3. Турғун шохобчадан ташқари маиший хизмат кўрсатиш, 1–2 киши ишлайдиган темирчилик, тунукасозлик ишлари.

4. Ёпиқ ҳарбий шаҳарчаларда, шунингдек вилоят марказларидан олисдаги жойларда ва чегарада жойлашган ҳарбий савдо объектлари.

5. Умумтаълим мактабларининг ошхона ва буфетлари.

6. Бозорлар, савдо марказлари (майда улгуржи ва чакана савдо бозорлари тури бўйича бунёд этилган) ҳудудида жойлашган, умумий фойдаланишдаги ихтисослашган турғун савдо павильонларида амалга ошириладиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг лоток савдоси.

7. Савдо залига эга бўлмаган майда чакана савдо тармоғи объектлари (чодирлар, киоскалар, павильонлар) ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида бунёд этилган дорихона филиаллари.

Шунга эътибор қаратиш лозимки, мазкур рўйхатнинг 2.3, 2.6, 6-бандлари амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда қўлланади. Чунончи, Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг[2] 19-бандига асосан чакана савдони кўчма равишда (дўкончаларда) амалга оширишга **йўл қўйилмайди,** яхна ичимликлар ва музқаймоқлар сотиш бундан мустасно. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорининг *(2003 йил 28 июлдаги 330-сон)* 1-бандига биноан бозорлар ҳудудида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан чакана савдо қилиш **фақат турғун савдо шохобчаларида, мажбурий тартибда назорат-касса машиналари қўлланган ҳолда** амалга оширилади.

Президентнинг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори *(2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон)* кучга кириши билан **2011 йилнинг 1 январидан бошлаб барча ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари назорат-касса машиналари ва тўлов терминаллари билан жиҳозланган турғун савдо нуқталаридан иборат бўлган савдо комплекслари сифатида фаолият юритишлари керак,** истеъмолда бўлган мол-мулк савдоси бўйича бозорлар бундан мустасно. Бозорларда ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, шунингдек ишлатилган товарларни реализация қиладиган жисмоний шахсларга бериладиган савдо жойлари бундан мустаснодир. Шу тариқа, фикримизча, юқорида кўрсатилган рўйхат ҳам ўзгартирилади ва амалдаги меъёрларга мувофиқлаштирилади.

Янгиликларга кўра илгари терминаллар билан мажбурий жиҳозланадиган объектларнинг рўйхатига киритилган айрим объектларга доир талаблар ўзгартирилди. Аввало булар умумий овқатланиш объектларидир. Илгари улар иш ҳақи пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўланадиган корхоналар ва муассасаларда жойлашган тақдирдагина терминаллар билан жиҳозланишлари керак эди. ПҚ-1325-сон қарор, **жойлашган жойидан қатъи назар, барча умумий овқатланиш объектларига терминалга эга бўлиш** мажбуриятини юклади.

Турғун савдо нуқталарига келсак, илгари қонун ҳужжатлари фақат савдо зали майдони 150 кв метрдан ошадиган савдо нуқталаригагина терминаллар ўрнатиш мажбуриятини қўяр эди. Энди **савдо залининг майдонидан қатъи назар барча савдо нуқталари терминаллар билан жиҳозланиши керак.**

**Аҳолидан тўловларни қабул қилиш бўйича шохобчаларни терминаллар билан жиҳозлаш бўйича талаблар** ўзгарди. Илгари мазкур объектлар уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатадиган корхоналар ҳузурида жойлашгандагина терминаллар билан жиҳозланишлари керак эди. Энди улар жойлашган жойидан қатъи назар терминаллар билан жиҳозланиши шарт.

Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга оширадиган ва банк пластик карталаридан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларига эга бўлиши шарт бўлган чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектлари рўйхатининг кенгайиши билан бир қаторда терминалларни харид қилиш учун белгиланган вақтга эътибор қаратиш зарур. ПҚ-1325-сон қарорга мувофиқ мазкур объектлар **2011 йил 1 январгача** терминаллар билан жиҳозланишлари керак. Шу тариқа, ушбу объектларда терминал мавжуд бўлмаган тақдирда санкциялар фақат кўрсатилган санадан кейин қўлланиши мумкин.

УШБУ СОНДА:
✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Пластик карточка хусусида
– Валюталар курси *1-3-бетлар*
✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР
– Ўзбекистон фуқароси бўлишни хоҳлайман
– Модда хатбошилари қандай ҳисобланади
– Касаначи кимдан рухсат олади? *4-5-бетлар*
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Йўлингиз бехатар бўлсин! *6-бет*
✓ ҳор *7-8-бетлар*

# ХУСУСИДА

## РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ПК-1325-СОН ҚАРОРИ ШАРҲИ

*Қонунчиликнинг 2010 йил 18 июндаги ҳолати бўйича.*

## ҚАНДАЙ ЧОРА КЎРИШ ЛОЗИМ

Банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминали билан мажбурий жиҳозланиши керак бўлган объект *(рўйхатга қўшимча қилинган, илгари унга киритилган, бироқ ҳозирча терминал билан жиҳозланмаган)* раҳбари ўз объектига ўрнатиш учун тўлов терминалини ажратиш юзасидан хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ёзма мурожаат қилиши керак *(Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида низомнинг[3] 3-банди)*. Ёзма мурожаат тижорат банкида талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағини очган кундан бошлаб ёки тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши лозим бўлган ҳолатлар вужудга келган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида юборилиши керак *(1986-сон Низомнинг 4-банди)*. Мижоз билан шартнома тузиб, банк терминал тақдим этиши ва раҳбар (ходимлар)ни улар билан ишлаш ҳамда ҳисоб-китоб операцияларини расмийлаштириш қоидаларига ўқитиши керак.



## ҲУЖЖАТ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИК (ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАГАНЛИК) ОҚИБАТЛАРИ

Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва уларни қўллаш бўйича мажбурий талабларга риоя қилмаслик Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари[4] 25-бандининг саккизинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари[4] 189-бандининг ўн биринчи хатбошисига мувофиқ назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади.

**МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР**

| *Ҳуқуқбузарлик тури* | *СК моддаси* | *Қўллаш шарти* | *Жарима* |
|---|---|---|---|
| **Тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик** | 119, биринчи ва иккинчи қисмлар | кўрсатилган ҳаракатлар биринчи марта содир этилган | энг кам иш ҳақи (ЭКИҲ)нинг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда |
| | | кўрсатилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилган | ЭКИҲнинг 75 бараваридан 100 бараваригача миқдорда |
| **Пластик карточкалар бўйича тўловларни қабул қилишдан бош тортиш** | 119, учинчи ва тўртинчи қисмлар | кўрсатилган ҳаракатлар биринчи марта содир этилган | ЭКИҲнинг 100 баравари |
| | | кўрсатилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилган | ЭКИҲнинг 200 баравари |

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси *(МЖТК)* ва Жиноят кодекси *(ЖК)*да «назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини бузиш» тушунчасининг таърифи берилмаган ва шу сабабли терминалларнинг мавжуд эмаслиги ва (ёки) қўлланмаслиги учун санкциялар хўжалик юритувчи субъектларнинг ходимлари ва мансабдор шахсларига нисбатан савдо ҳамда хизматлар кўрсатиш қоидаларини бузганлик сифатида қўлланади.

**МАЪМУРИЙ САНКЦИЯЛАР**

| *Ҳуқуқбузарлик тури* | *МЖТК моддаси* | *Жарима:* | |
|---|---|---|---|
| | | *фуқароларга нисбатан* | *мансабдор шахсларга нисбатан* |
| **Савдо ёки хизматлар кўрсатиш қоидаларини бузиш** | 164, биринчи қисм | ЭКИҲнинг 1 бараваридан 5 бараваригача миқдорда | ЭКИҲнинг 5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда |
| **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда** *(яъни ЭКИҲнинг 30 бараваридан 100 бараваригача миқдорда)* **бузиш** | 164, иккинчи қисм | ЭКИҲнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда | ЭКИҲнинг 7 бараваридан 15 бараваригача миқдорда |

**ЖИНОИЙ САНКЦИЯЛАР**

| *Жиноят* | *ЖК моддаси* | *Жазо* |
|---|---|---|
| **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдордаги қийматда бузиш, худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган** | 189, биринчи қисм | ЭКИҲнинг 150 бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари |
| **Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини кўп миқдордаги қийматда (ЭКИҲнинг 100 бараваридан 300 бараваригача миқдорда) бузиш, шунингдек савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, хавфли рецидивист ёки илгари ЖКнинг 188** *(савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш)* **ёки 190-моддаларида** ***(фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш)*** **назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса** | 189, иккинчи қисм | ЭКИҲнинг 150 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари |
| **Товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда** *(яъни ЭКИҲнинг 300 бараварига тенг ва ундан кўп миқдорда)* **бузиш** | 189, учинчи қисм | ЭКИҲнинг 300 бараваридан 600 бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ |

## БОШҚА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Янгиликлар билан боғлиқ ҳуқуқий жиҳатлар қуйидаги ҳужжатларда ҳам акс этган:

Президентнинг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори *(2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сон)*;

Президентнинг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори *(2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сон)*;

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори *(2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон)*;

Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом[2];

Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари[4];

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари[4];

Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида низом[3].

## ҚУЙИДАГИЛАР ҲАМ ЎЗГАРДИ:

ПК-1325-сон қарор қабул қилиниши муносабати билан, хусусан, қуйидагиларга ҳам ўзгартишлар киритилди:

1) Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом[2] 19-бандининг иккинчи хатбошиси, 30-бандининг иккинчи хатбошисига, Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари[4] 21-бандининг иккинчи хатбошисига – терминал билан мажбурий жиҳозланадиган турғун нуқтанинг савдо зали майдонига талаблар ўзгариши[5] қисмида;

2) Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари[4] 14-бандининг тўртинчи хатбошисига – умумий овқатланиш объектлари ҳудудий жойлашишига нисбатан талабларни ўзгартириш[5] қисмида;

3) Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида низомнинг[3] 2-бандига – терминаллар билан мажбурий жиҳозланадиган объектлар рўйхатини ПК-1325-сон қарорга мувофиқлаштириш[6] қисмида.

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

*[1]МВ, ДСҚ, МБ ва АВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 15 февралда 124-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

*[2]ВМнинг 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 407-сон қарорига илова.*

*[3]МБ бошқаруви ва ДСҚнинг АВ томонидан 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

*[4]ВМнинг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[5]Ўзгартишлар ВМнинг 2010 йил 10 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 116-сон қарори билан киритилган.*

*[6]Ўзгартишлар Марказий банк бошқаруви ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 9 июнда 1986-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» қарори билан киритилган.*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| *Мамлакат* | *Сана* | *АҚШ доллари* | | *Евро* | | *Россия рубли* | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* | *бирлиги* | *курси* |
| Озарбайжон | 29.07.2010 | 1 | 0,8036 | 1 | 1,0457 | 1 | 0,062 |
| Арманистон | 29.07.2010 | 1 | 370,41 | 1 | 484,24 | 1 | 12,28 |
| Беларусь | 30.07.2010 | 1 | 2975,00 | 1 | 3876,13 | 1 | 98,45 |
| Грузия | 29.07.2010 | 1 | 1,8414 | 1 | 2,3933 | 1 | 6,096 |
| Қозоғистон | 30.07.2010 | 1 | 147,58 | 1 | 192,87 | 1 | 4,89 |
| Қирғизистон | 30.07.2010 | 1 | 46,7418 | 1 | 60,7924 | 1 | 1,5462 |
| Латвия | 30.07.2010 | 1 | 0,54 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0179 |
| Литва | 30.07.2010 | 1 | 2,65 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,7702 |
| Молдова | 29.07.2010 | 1 | 12,2805 | 1 | 15,9543 | 1 | 0,4061 |
| Тожикистон | 29.07.2010 | 1 | 4,3818 | 1 | 5,7468 | 10 | 1,4712 |
| Ўзбекистон | 27.07.2010 | 1 | 1605,55 | 1 | 2091,71 | 1 | 52,84 |
| Украина | 29.07.2010 | 100 | 789,32 | 100 | 1025,4845 | 10 | 2,6131 |
| Эстония | 29.07.2010 | 1 | 11,9728 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,396745 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

**қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» қарорига** *(2008 йил 17 декабрдаги 274-сон)* **ўзгартириш киритилди.** Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан давлат чегарасини кесиб ўтадиган хорижий юк автотранспорт воситалари ва автобуслар (Тожикистон ва Туркманистон автотранспорт воситалари ва автобусларидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши учун қўшимча йиғим ставкаси **энди 200 АҚШ долларини ташкил қилади** *(аввал 175 АҚШ долларини ташкил қилган).*

***

**Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори** ***(АВ томонидан 2010 йил 20 июлда 1909-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомга** *(рўйхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль)* **ўзгартишлар киритилди.** Энди қўшимча фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган объект бўлиб ҳисобот даврида ҳар бир контракт бўйича аниқланадиган солиқ тўловчининг қўшимча фойдаси ҳисобланади. Тегишинча, солиқ солинадиган база – ҳисобот даврида ҳар бир контракт бўйича соф қўшимча фойда ҳисобланади. Солиқ даври энди бир ойни *(олдин – календарь йил)* ташкил қилади, солиқ органларига солиқ ҳисоб-китоби эса ўсиб борувчи якун билан тақдим этилмайди.

**2010 йил 30 июлдан кучга кирди.**

***

**Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори** ***(АВ томонидан 2010 йил 20 июлда 1908-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомга** *(рўйхат рақами 1908, 2009 йил 24 февраль)* **киритилган ўзгартишларга мувофиқ,** солиқ даври энди бир ойни ташкил қилади (аввал календарь йил эди), солиқ органларига солиқ ҳисоб-китоби эса ўсиб борувчи якун билан тақдим этилмайди.

**2010 йил 30 июлдан кучга кирди.**

### НКМ ЖОЙИДА БЎЛСА...

**Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк бошқарувининг қарори** ***(АВ томонидан 2010 йил 21 июлда 1788-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисида низомга** *(рўйхат рақами 1788, 2008 йил 9 апрель)* **ўзгартишлар киритилди.** Энди нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот солиқ тўловчининг Текширишларни рўйхатга олиш китобига киритилмайди. Солиқ органи ходими эса ўтказилаётган хронометраж тадбири жараёнида фақат фискал хотирали назорат-касса машинаси мавжудлигини (олдин – квитанциялар ва реализация қилганликни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг, солиқ тўловчи ва инкассация хизмати ўртасидаги шартноманинг мавжудлигини ҳам) кўздан кечиради. Хронометраж ўтказилаётган солиқ тўловчининг харидор (истеъмолчи)лар билан ҳисоб-китоб қилишида эндиликда тўлов терминалларидан тўлиқ фойдаланиши ҳам ўрганилади. Ҳужжатга бошқа ўзгартишлар ҳам киритилган.

**2010 йил 31 июлдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 10 июлдан 23 июлгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 28-29-сони асосида тайёрланди.***

# ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОСИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН



***Мен Ўзбекистонда яшайман, бироқ фуқаро эмасман. Доимий рўйхатга олинган яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахс паспорти ҳамда Шенген Иттифоқи зонаси ва Жанубий Кореянинг чет эл паспортига эгаман. Жорий йилнинг февралида хорижга чиқиш учун 2 йиллик рухсатноманинг муддати тугади. Март ойида 2 йиллик умумий виза олишга илтимоснома топширдим. Бироқ ҳозиргача ҳужжатларим кўриляпти. Шунингдек 2006 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олишга ҳужжатларни топширдим. Бироқ уларга доир ҳам жавоб олмадим.***

***Умумий виза ва фуқаролик олиш тўғрисида аризаларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини тартибга соладиган қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд?***

**Л.Леликова.**

– **Фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан кетиш визаларининг олиниши** Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби* билан белгиланади. Ушбу ҳужжат 16-бандининг иккинчи қисмига мувофиқ ички ишлар органлари фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг анкета-аризасини **15 сутка мобайнида** кўриб чиқадилар, шундан кейин унга яшаш учун рухсатнома ўрнига фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси берилади. Ички ишлар органлари расмийлаштирилган гувоҳномага чет элга вақтинчалик бориш учун икки йил мобайнида амал қиладиган рухсат бериш ёзуви стикерини ёпиштирадилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинчалик бориш учун рухсат бериш ёзуви стикери ёпиштирилгандан кейин икки йиллик муддат мобайнида чет элга бир неча марта боришлари мумкин.

Кўриб чиқилаётган ҳужжатнинг 20-бандига мувофиқ, хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига қуйидаги ҳолларда рухсат берилмайди:

а) агар унинг кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса – кетишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиш муддати тугагунгача;

б) агар шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга кетишига тўсқинлик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса – ушбу мажбуриятлар тўхтатилгунга қадар;

в) агар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса – иш охирига етказилгунга қадар ёки унинг юзасидан суд қарори қабул килингунга қадар;

г) агар шахс жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилинган бўлса – жазони ўтаб бўлгунгача ёки жазодан озод этилмагунча;

д) агар шахс унга суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортаётган бўлса – мажбуриятларни тўлиқ бажариб бўлгунга қадар;

е) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса;.

ж) агар судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса – суд томонидан қарор қабул қилиниб ва у ижро этилгунга қадар.

Чет элга кетиш ҳуқуқининг рад этилиши, жавоб беришнинг белгиланган муддатидан ортиқча кечиктирилиши устидан хорижий фуқаролар юқори органларга шикоят қилишлари мумкин, бу органлар **бир ойдан кўп бўлмаган муддатда** жавоб беришлари керак, хорижий фуқаро унинг қароридан норози бўлганда, судга шикоят қилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олишни** тартибга соладиган асосий ҳужжат «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» Қонундир *(1992 йил 2 июлдаги 632-XII-сон, бундан кейин – Қонун)*. Унга мувофиқ фуқаролиги бўлмаган шахс, келиб чиқиши, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар, ўзининг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомга** *(бундан кейин – Низом)* мувофиқ, Ўзбекистон ҳудудида кейинги 5 йил давомида доимо яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахс доимий яшаш жойидаги ички ишлар органлари орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти номига фуқароликка қабул қилиш тўғрисида ариза топшириб, унга Низомда кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни илова қилиши керак.

Расмийлаштирилган материалларни ички ишлар органлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаларига юборадилар, улар эса фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги материаллар тўғри расмийлаштирилганлигини текширадилар, ушбу масалалар бўйича 2 нусхада йиғмажилд очадилар ва тегишли миллий хавфсизлик органларининг фикрини сўрайдилар. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаларининг материаллари ва хулосалари Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлигига юборилади.

Ички ишлар вазирлиги ўз хулосасини фуқароликка қабул қилиш тўғрисидаги материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссияга ва республиканинг тегишли ваколатли органлари (МХХ ва ТИВ)-га юборади, улар Комиссияга фақат ўз хулосаларини юборадилар, материалларни эса Ички ишлар вазирлигига қайтарадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссия материалларни кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қарор қабул қилиниши учун таклифлар киритади.

Низомга мувофиқ **материалларни кўриб чиқиш муддати ваколатли органларнинг ҳар бирида бир ойдан, умумий муддат эса фуқаролик масалалари бўйича материаллар юритила бошлаган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.**

Фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва фуқаролик масалалари бўйича қарорлар ижро этилиши тартибини бузаётган мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан қонун билан белгиланган тартибда бўйсуниш тартибида юқори турувчи мансабдор шахсга, унинг қарорига қўшилмаган тақдирда – судга шикоят қилиниши мумкин.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

---

**ВМнинг 1996 йил 21 ноябрдаги «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 408-сон қарорига 1-илова.*

***Президентнинг 1992 йил 20 ноябрдаги ПФ-500-сон Фармони билан тасдиқланган.*

# МОДДА ХАТБОШИЛАРИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

***2001 йил 6 декабрдаги «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310-II-сон Қонун 34-моддасининг ўнинчи қисмида шундай дейилади: «Ушбу Қонун 30-моддаси иккинчи қисмининг учинчи ва ўн учинчи хатбошиларида кўрсатилган масалалар юзасидан қарорлар жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Қолган қарорлар ... умумий овозлар сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади».***

***Кўрсатилган модданинг учинчи хатбошисини ҳисоблашга турлича ёндашилиши боис жамиятимиз иштирокчилари ўртасида уни қўллаш масаласи бўйича ихтилофлар юзага келди.***

***Бир қатор иштирокчилар таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши тўғрисида қарор иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан бир овоздан қабул қилинади деб ҳисоблашади. Бошқаларнинг фикрича, жамият устав фонди (устав капитали)нинг миқдорини ўзгартириш масаласи бўйича якдиллик билан овоз бериш талаб қилинади.***

***Мазкур вазиятда ким ҳақли эканлигини тушунтириб берсангиз.***

**Ш.Юсупжонов, кузатув кенгашининг раиси.**



– Меъёрларни чиқариш техникаси қоидаларига мувофиқ хатбошиларни ҳисоблаш «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун *(2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон)* 30-моддасининг иккинчи қисмидан бошланиши керак. Шу тариқа, «жамият устав фонди *(устав капитали)*нинг миқдорини ўзгартириш» сатри учинчи хатбоши бўлади.

Қонун 34-моддасининг ўнинчи қисмига кўра **жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан, хусусан, жамият устав фонди (устав капитали)нинг миқдорини ўзгартириш тўғрисида қарор бир овоздан қабул қилинади.** Таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи бўйича қарор, агар уставда уларнинг кўпроқ миқдори назарда тутилмаган бўлса, овозларнинг оддий кўпчилиги билан қабул қилинади.

***Артём МОКШИН,***
***«Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлимининг бошлиғи.***

# КАСАНАЧИ КИМДАН РУХСАТ ОЛАДИ?



***ВМнинг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарори билан тасдиқланган Касаначилик меҳнати тўғрисида низомни (бундан кейин – 4-сон Низом) ва Президентнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3706-сон Фармонини (бундан кейин – Фармон) ўрганиб чиққанимизда бизда тушунтиришингизни талаб қиладиган саволлар туғилди.***

***1. Низомнинг I бўлимида (7-банд) айтилишича, ёнғин хавфсизлигининг белгиланган қоидаларига, санитария ва гигиена нормаларига, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, шунингдек касаначиларнинг уй-жой-маиший шароитлари хусусиятларига мувофиқ касаначиликнинг айрим турларига ёнғин ва санитария инспекцияси, шунингдек Давлат меҳнат техник инспекцияси органларининг рухсати билан йўл қўйилиши мумкин. Айни қайси иш турлари бу тоифага киради? Ёнғин ва санитария назорати органлари қандай рухсат берувчи ҳужжат беришлари керак? Касаначи уй шароитларида амалга оширишга ҳақли бўлмаган ишлар борми?***

***2. Низомнинг IX бўлимида (52-банд) айтилганки, касаначилик меҳнатини тартибга солувчи қоидаларга риоя қилинишини таъминлаш вазифаси зиммасига юкланган мансабдор шахслар мулкдор ва касаначининг розилиги билан уйнинг касаначилик ишлари амалга оширилаётган қисмига ёки бошқа хусусий хонага киришлари мумкин. Ушбу тоифага айни қандай мансабдор шахслар кирадилар? Уларга қандай ваколатлар берилган? Улар касаначи уйининг ёки бошқа хусусий хонасининг ушбу қисмларига корхонада текширув ўтказмасдан кира оладиларми?***

***3. Фармоннинг 5-бандида кўрсатилишича, касаначилар буюртмачи-корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига тўлиқ амал қилган тақдирда, уй шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни қўшимча сертификатлаш ва стандартлаш талаб этилмайди. Касаначининг негизида, ассортиментни кенгайтириш мақсадида, корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкинми?***

***4. Марҳамат қилиб шуни ҳам тушунтириб берсангиз, фермер хўжалиги ўзидаги мавжуд боғ (мевали дарахтлар) ёки узумзорини бошқа хўжалик юритувчи субъектга ижарага бериши мумкинми?***

**МЧЖ бош директори.**

– **1.** Амалдаги қонун ҳужжатларида фақат ёнғин, санитария назорати ва Давлат меҳнат техник инспекцияси органларининг рухсати билан амалга ошириш мумкин бўлган касаначилик ишлари айрим турларининг аниқ рўйхати белгиланмаган.

Фикримизча, бундай ишларга, касаначи томонидан тегишли хавфсизлик қоидаларига, санитария қонунчилиги меъёрлари ва талабларига риоя этилмаганда, уй шароитида бажарилиши атрофдаги шахслар (қўшнилар) ва (ёки) уларга тегишли бўлган мол-мулк учун хавф туғдирадиган ишлар киритилиши мумкин. Касаначилик меҳнати тўғрисидаги низомнинг[1] *(бундан кейин – 4-сон Низом)* 45-бандига мувофиқ меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича кўрсатилган барча талабларни бажариши ҳамда ўз хавфсизлигини эҳтиётлаш ва ўзининг ҳаракатлари ёки ишдаги камчиликлари натижасида шикастланиши мумкин бўлган бошқа шахсларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича оқилона чоралар кўриши, шу жумладан материаллар, машиналар, жиҳозлар ва ўз тасарруфига берилган бошқа асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланиши шарт. Кейинчалик касаначининг фаолияти рухсат олмасдан амалга оширилаётган фаолият деб топилмаслиги учун, СЭС, давлат ёнғин назоратининг тегишли органлари ёки Давлат меҳнат техник инспекциясига мурожаат қилиб, рухсатни бевосита касаначилик меҳнатини ташкил этиш чоғида олиш мақсадга мувофиқдир.

СЭС, давлат ёнғин назорати органлари ёки Давлат меҳнат техник инспекцияси томонидан бериладиган ҳужжатлар касаначи бажараётган иш шароитларининг санитария меъёрлари ва қоидалари, ёнғин хавфсизлиги, ишларни хавфсиз юритиш қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги **хулосалар,** муайян иш турларини бажаришга **рухсатномалар** ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

4-сон Низомнинг 6-бандига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга **лицензия олишни талаб қиладиган,** шунингдек уйда қувватли, энергияни кўп талаб қиладиган ва техник жиҳатдан мураккаб асбоб-ускуналардан, шунингдек уй шароитларида назорат қилиб бўлмайдиган махсус техника хавфсизлигига риоя этишни талаб этадиган хавфли кимёвий компонентлардан фойдаланиб касаначига **ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) йўл қўйилмайди.** Касаначилик шароитларида фойдаланишга йўл қўйилмайдиган асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар ва маҳсулотларнинг аниқ рўйхати Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасида[2] келтирилган.

**2.** Касаначилик иши бажарилаётган уй ёки бошқа хусусий хонанинг қисмларига кириш ваколатига эга бўлган шахсларга назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахслари – СЭС, ёнғин назорати органларининг инспекторлари, меҳнат техник инспекторлари ва бошқалар киради. 4-сон Низомнинг 50-бандига кўра, **касаначилар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар фақат буюртмачи-корхонани (иш берувчини) текшириш вақтида ўтказилиши мумкин.** Яъни улар касаначини буюртмачи-корхонада текшириш ўтказмасдан алоҳида текшира олмайдилар.

Назоратчиларнинг ваколатлари анча кенг. Улар билан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун[3]; Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида низом[4]; Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида низом[5] сингари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишлар соҳасини тартибга соладиган тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб, батафсил танишиш мумкин.

**3.** Амалдаги қонун ҳужжатлари касаначилик негизида, ассортиментни кенгайтириш учун, корхонада ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни тақиқламайди. Бироқ агар Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига[6] кирадиган маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилса, тегишинча, уни сертификатлаштириш лозим *(1993 йил 28 декабрдаги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» 1006-XII-сон Қонун 13-моддасининг иккинчи хатбошиси).* Агар маҳсулот кўрсатилган рўйхатга кирмаса, сиз уни сертификатлаштирмасликка ёки бундай маҳсулотни ихтиёрий тартибда сертификатлаштиришга ҳақлисиз *(Қонуннинг 17-моддаси).*

### МАЪЛУМОТ УЧУН

Қуйидагилар касаначилик шароитларида қўлланмайди:

**1)** ГОСТ 12.01.007-76 бўйича хавфлиликнинг I – III классларига мансуб бўлган зарарли кимёвий моддалар ажралиб чиқишининг;

ионлаштирувчи нурланишларнинг;

радиоактив нурланишнинг;

лазерли нурланишнинг (оптик ва квантли генераторлар), санитария нормаларидан ортиқ диапазонли электромагнит энергияларнинг;

санитария нормаларидан ортиқ тебраниш ва шовқиннинг;

атроф муҳитнинг санитария нормаларидан ортиқ юқори ёки паст ҳароратининг;

санитария нормаларидан ортиқ ультрабинафша нурланишнинг;

ультратовушнинг **манбаи ҳисобланадиган асбоб-ускуналар ва анжомлар;**

**2) портлаш хавфига эга бўлган асбоб-ускуналар ва анжомлар:**

Цельсий бўйича 115 даражадан юқори ҳароратда босим таъсирида ёки 0,07 МП босимда қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратли суюқлик идишлари;

0,07 МПдан ортиқ босим таъсирида сиқилган, суюлтирилган ёки эритилган газларни ташиш ва сақлаш учун мўлжалланган баллонлар;

буғларининг босими Цельсий бўйича 50 даража ҳароратда 0,07 МП босимдан ошадиган суюлтирилган газларни ташиш учун цистерналар, бочкалар;

улардаги 0,07 МПдан юқори босим уларнинг тарқалиши учун вақти-вақти билан шароит яратадиган сиқилган, суюлтирилган газларни, суюқликларни ва сочилувчан жисмларни ташиш ва сақлаш учун цистерналар, идишлар ва бошқа сиғимлар;

0,07 МПдан юқори ишчи босимга эга бўлган буғқозонлар, автоном буғли иситгичлар ва экономайзерлар, Цельсий бўйича 115 даражадан ортиқ сув ҳароратига эга бўлган сув иситиш қозонлари ва автоном экономайзерлар;

**3) саноат кўламида дон янчиш ва омихта озуқалар тайёрлаш бўйича асбоб-ускуналар ва анжомлар;**

**4) энергияни кўп талаб қиладиган асбоб-ускуналар:**

380 вольтдан ортиқ ишчи кучланишга эга бўлган асбоб-ускуналар (220 вольтдан ортиқ кучланишда ишлайдиган асбоб-ускуналар электр хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилган ҳолда ўрнатилиши керак);

ҳар соатда 1 куб метрдан ортиқ сув истеъмол қиладиган асбоб-ускуналар;

**5) қуйидаги хом ашё, материаллар ва маҳсулотлар:**

ГОСТ 12.01.007-76 бўйича хавфлиликнинг I – III классларига мансуб бўлган кимёвий моддаларнинг токсик хоссаларига эга бўлган;

табиий радионуклидлар концентрациясининг чекланган йўл қўйиладиган нормаларидан ортиқча бўлган;

«Осон алангаланадиган суюқ моддалар» тоифасига мансуб бўлган хом ашё, материаллар ва маҳсулотлар;

суюқ хлор, аммиак, селитра, карбамид, аммофос, метанол, синил кислотаси, цианидлар, нитроакрил кислотаси;

**6) барча тур ва номлардаги пестицидлар, гербицидлар ва прекурсорлар;**

**7) чарм ва мўйна хом ашёси (тўлиқ ишлов берилган ва тикишга тайёр бўлганлардан ташқари);**

**8) асбест ва таркибида асбест бўлган материаллар;**

**9) уларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият белгиланган тартибда лицензияланадиган бошқа моддалар, материаллар, хом ашё ва улардан тайёрланган буюмлар.**

**4.** «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун[7] 13-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши, шунингдек **иккиламчи ижарага** берилиши мумкин эмас. **Фермер хўжалигининг ер участкасида ўсаётган мевали дарахтлар ва узумзор** ер билан узвий боғланган ва уларга хизмат кўрсатадиган ер участкасисиз **ижарага берилиши мумкин эмас.** Яъни амалда мевали дарахтлар ва узумзор ижарага берилганда ижарачига улар ўсаётган ер участкаси ҳам берилади, бунга эса, юқорида айтилганлардан келиб чиқишича, йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг устига, фермер мевали дарахтлар ва узумзорни ижарага бера олмайди, чунки фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг маъносидан келиб чиқилса, у ўзининг хўжалиги билан мустақил шуғулланиши ва унинг фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этиши керак.

***Артём АДЕЕВ,***
***«Norma» МЧЖ***
***эксперт-юристи.***

---

*[1]ВМнинг 2006 йил 11 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» 4-сон қарорига 1-илова.*

*[2]ВМнинг 2008 йил 1 июлдаги «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 146-сон қарорига 3-илова.*

*[3]1998 йил 24 декабрдаги 717-I-сон.*

*[4]Адлия вазирининг АВ томонидан 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

*[5]НҚОФМРКнинг АВ томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

*[6]ВМнинг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 318-сон қарорига 2-илова.*

*[7]2004 йил 26 августдаги 662-II-сон Қонун таҳририда.*

Мавзуга қайтиб

**Газетамизда *(2010 йил июндаги 23 (256)-сон, «Ким ҳайдовчи бўла олади?»)* йўловчи ва юкларни ташишда банд бўлган ҳайдовчилар эгаллаши зарур бўлган малака тўғрисида ёзган эдик. Қуйидаги мақолада мазкур тоифадаги ходимларнинг меҳнати ва дам олишини ташкил этиш тўғрисида сўз боради.**

# ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

## ФУҚАРОЛАРНИ ШАҲАРЛАРАРО ТАШУВЧИ ҲАЙДОВЧИЛАР МЕҲНАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Бизнинг қонунчилигимизда ҳайдовчилар ишининг хусусиятларини тартибга соладиган ягона махсус ҳужжат мавжуд эмас, бироқ улар иш вақтининг режимига нисбатан талаблар қўядиган ва ушбу ўзига хос касбнинг бошқа ҳуқуқий жиҳатларини тартибга соладиган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бор.***

Меҳнат кодекси *(МК)*нинг 114-моддасига кўра ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади. Иш ҳафтасининг тури ва иш вақти режими корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, – ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади *(МК 120-моддасининг биринчи қисми)*. Ҳайдовчиларнинг иш вақти режимини тасдиқлаётганда қонунчилик томонидан ходимларнинг ушбу тоифасига нисбатан назарда тутилган махсус талабларга амал қилиш лозим.

### МАЖБУРИЙ ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

Автомобиль ҳайдовчиларнинг меҳнат гигиенаси бўйича санитария қоидаларида[1] *(бундан кейин – СанПиН)* назарда тутилишича, ҳар бир ҳайдовчининг режими маъмурият ва касаба уюшмаси ташкилоти билан келишиб белгиланади ҳамда ҳаракат графиги ва йўналишида ҳисобга олинади *(СанПиНнинг 6.1-банди)*. Дам олиш учун сменалар ичида белгиланган танаффуслар меҳнатнинг оғирлиги ва қизғинлиги, ташиш турлари ва об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади. Бунда биринчи танаффус ҳаракат бошлангандан кейин 2–3 соат ўтгач белгиланиши, кейин эса камида ҳар 2 соатда 10 дақиқа дам берилиши керак. Сменалар ичидаги танаффуслар такрорланиши, уларни ташкил этиш ва қанча давом этиши ташкилотга хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимлари билан ҳам келишилиши ва йўл варақасида кўрсатилиши лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун – 45–60 дақиқадан кўп бўлмаган танаффус иш бошланганидан кейин 4 соатдан кечиктирмай белгиланади. Сменанинг иш муддати 8 соатдан кўп бўлса, биринчи танаффус билан бирга 2 соатдан ошмайдиган иккинчи танаффус назарда тутилиши мумкин.

Ҳайдовчилар меҳнати сменали ташкил этилган ҳолларда сменани ўзгартиришга фақат дам олиш кунидан кейин йўл қўйилади.

Автокорхона маъмурияти ишловчиларнинг асабий-руҳий таранглигини камайтириш ва ишлаб чиқариш давомидаги чарчоғини ёзишга қаратилган тадбирларни (иш бошлашдан олдинги гимнастика, жисмоний тарбия дақиқаси, жисмоний тарбия паузаси, руҳий зўриқишни йўқотиш ва ҳоказо) жорий этиши шарт.

### ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ

МКнинг 214-моддасига мувофиқ иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида **дастлабки тарзда** ва кейинчалик *(иш давомида)* **вақти-вақти билан** транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Бунда ҳайдовчилар улардан ўтиш харажатларини кўтармайдилар. Касал бўлиб қолган ёки алкоголдан сархуш ҳолатдаги ҳайдовчиларни аниқлаш мақсадида, кейин уларни автомобилни бошқаришдан четлатиш учун, улар ҳар куни рейс олдидан тиббий кўрикдан ҳам ўтишлари керак *(СанПиН 7.12-банди)*.

### ҲАЙДОВЧИЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШИ

Автотранспорт корхонасининг маъмурияти ҳайдовчиларнинг оқилона овқатланишини таъминлаш бўйича алоҳида чоралар кўриши шарт. Овқатланишни ташкил этиш вақти қатъиян тартибга солинган: овқатланиш орасидаги вақт оралиғи 4–5 соатдан ошмаслиги керак, иш бошлашдан 1,5–2 соат олдин ва у тугаганидан кейин 1–1,5 соат ўтгач ҳамда уйқуга кетишдан камида 2–2,5 соат олдин овқатланиш шарт.

### ҚЎШИМЧА ТАЪМИНОТ

Рейс муддати бир сменадан кўп бўлган ҳолда шаҳарлараро ташишларда банд бўлган ҳайдовчилар маъмурият томонидан қуйидагилар билан таъминланиши керак:

а) овқат солинадиган ва тайёрланадиган идиш-товоқлар тўплами солинган рейс жомадонлари, захира баллон солинган кўтариб юриладиган газ плитаси, идиш-товоқ ювиш воситалари, ҳажми 2 л дан кам бўлмаган термос;

б) дам олиш, овқатланиш, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчалари кўрсатилган ҳолда ҳаракат йўналишининг чизма-харитаси.



Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларининг[2] 53-бандига мувофиқ, ҳайдовчининг иш вақти давомийлиги 9 соатдан ортиқ ёки йўналиш масофаси 400 км ва ундан кўп бўлганда йўловчилар ташилаётган автобусда ҳайдовчининг дам олиши учун жой жиҳозланган бўлиши ва қатновга икки нафар ҳайдовчи чиқарилиши керак.

### ИШ ВАҚТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Ҳайдовчининг иш вақти қуйидаги даврларни ўз ичига олиши мумкин:

автомобилни бошқариш;

йўлда ва охирги пунктларда автомобилни бошқаришдан дам олиш учун махсус танаффуслар;

линияга чиқиш олдидан ва линиядан ташкилотга қайтгандан кейин, шаҳарлараро ташиш чоғида эса – айланиш пунктида ёки смена бошланиши олдидан ва у тугаганидан кейин тайёрлаш-тугатиш ишлари;

линияга чиқиш олдидан ва линиядан қайтгандан кейин тиббий кўрикдан ўтказиш;

юк ортиш ва тушириш пунктларида, йўловчилар олиш ва тушириш жойларида, махсус автомобиллардан фойдаланиш жойларида кутиб туришлар;

ҳайдовчининг айбисиз бекор туриб қолишлар;

хизмат кўрсатилаётган автомобилда линияда ишлаш мобайнида юзага келган фойдаланиш бобидаги носозликларни механизмларни қисмларга ажратмасдан туриб бартараф этиш ишларини ўтказиш, шунингдек техник ёрдам мавжуд бўлмаган ҳолда дала шароитида регулировкалаш ишларини бажариш;

агар бундай мажбуриятлар ҳайдовчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракти)да назарда тутилган бўлса, шаҳарлараро ташиш чоғида охирги ва оралиқ пунктларда туриш вақтида юк ва автомобилни қўриқлаш;

у автомобилни бошқармаганда – рейсга икки ҳайдовчи юборилганда иш жойида ҳозир бўлиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Юқорида келтирилган барча даврлар ҳайдовчиларнинг иш вақтига киритилади, шу боис ҳам корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш тизими билан белгиланган тартиб ва шартларда уларга ҳақ тўланиши керак.

Шунингдек иш вақтига ҳаракатланиш ва туриш бўйича топшириқ билан белгиланган (дам олиш учун танаффуслар вақти) ёки иш берувчининг махсус фармойиши билан белгиланган айрим даврлар (тайёрлаш-тугатиш ишларининг таркиби ва давомийлиги, юк ва автомобилни қўриқлаш вақти, ҳайдовчи автомобилни бошқармаганда иш жойида ҳозир бўлиш) киритилиши мумкин.

Кўрсатилган иш вақти турлари ҳар бирининг амалдаги давомийлиги расмийлаштириладиган йўл варақаларига кўра белгиланади.

Ҳар куни ташкилотда кўрсатилган варақалар ва спидометр маълумотлари асосида ҳар бир ҳайдовчининг ўз иш вақтидан фойдаланганлиги текширилади. Асосли равишда иш вақтидан ортиқ ишлаганлик учун иш вақтидан ташқари иш сифатида ҳақ тўланади, айрим кунлардаги чала ишларга эса ҳақ тўланмайди.

Агар ҳайдовчиларга иш вақтининг қўшиладиган ҳисобга олиш режими ўрнатилса, смена ва ҳисоб даврининг давомийлиги алоҳида тартибга солинади (чекланади). Умумий ҳолда кўрсатилган иш режимида сменанинг давомийлиги 12 соатдан ошмаслиги керак. Бунда бир иш куни (смена) тугаши билан кейинги иш куни (смена) бошланиши ўртасида дам олишнинг давомийлиги камида 12 соат бўлиши лозим. Ходим ҳафта, ой ёки бошқа календарь даврда ишлаб бериши шарт бўлган иш вақтининг умумий давомийлиги мазкур ходим учун ушбу даврга ҳисоблаб чиқарилган иш вақти меъёридан ошмаслиги кераклиги бошқа бир муҳим талабдир. Корхонада у ҳисоб даври деб номланади.

Иш вақти ҳар куни ҳисобга олинадиган ходимлардан фарқ қилиб, иш вақтининг қўшилган ҳисоби юритиладиган шахслар учун иш вақтидан ташқари ишланган соатлар сони ҳисоб даври якунлари бўйича белгиланади.

Иш вақтидан ташқари соатларга ҳақ тўлаш МК 157-моддаси шартларида амалга оширилади. Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Иш вақтидан ташқари ишга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида ёки бевосита меҳнат шартномасида белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади *(МК 157-моддасининг иккинчи қисми)*.

Автобус ҳайдовчилари сингари ходимларнинг тоифасига нисбатан қисмларга бўлинган иш вақти режими қўлланиши мумкин. Бундай иш режими белгиланганда қонун билан кафолатланган, иш кунининг тугаши билан кейинги куни унинг бошланиши ўртасидаги ҳар кунги дам олишнинг энг кам давомийлигини *(МКнинг 128-моддасига кўра – камида 12 соат)* ҳисобга олиш, иш вақти ҳар куни ҳисобга олинганда иш кунининг чегараланган давомийлиги меъёрларини ва иш вақтининг қўшилган ҳисобида унинг ҳисоб давридаги чегараланган давомийлигига риоя этиш лозим. Смена қисмлари ўртасидаги танаффус вақтининг ўзи иш вақтига киритилмайди ва шу боис унга ҳақ ҳам тўланмайди.

Бир сменада автомобилни бошқариш вақтининг давомийлигига чеклашни белгилайдиган меъёрни жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунончи, баъзи мамлакатларда умумий ҳолда автомобилни бошқариш ҳар кунги иш (смена)да 9 соатдан ошиши мумкин эмас.

Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларига[2] мувофиқ, қуйидагилар йўловчилар ташувчи автотранспорт воситалари ишини ҳисобга олувчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади *(20-банд)*:

а) автотранспорт воситасининг йўл варақаси;

б) шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро қатновчи автотранспорт воситаларининг чипталарни ҳисобга олиш варақаси;

в) автобус ва енгил автомобилларнинг буюртманомалар (буюртмалар) ва бошқа шартномалар бўйича ишлаши юзасидан топшириқнома;

г) чипталарни сотиш қайдномаси.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

*[1]0204-06-сон ЎзР СанПиН, бош давлат санитария шифокори томонидан 2006 йил 26 майда тасдиқланган.*

*[2]ВМнинг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган.*

**"Аудит-ВАРН" МЧЖ**
аудиторлик ташкилоти

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ҲУДУДИДА, БҲМС ВА МҲҲС БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ**

126-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,
уяли: +99897119224 8
Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент вил., тел. +998974541664

*ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.*
*28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.*

**"AMIR-AUDIT" МЧЖ**

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИҲдан ортиқ

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

**Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48**

**"NAZORAT-AUDIT" МЧЖ**
**аудиторлик ташкилоти**
МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

**Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари**

Хизматлар халқаро малакага эга аудиторлар томонидан кўрсатилади

e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99869 258-57-97, +99897 340-98-62
8-371-2794401

## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 26 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | ХТУТ (ОКРО) | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "IDEAL BROK SERVIS" МЧЖ | 206071440 | 06.02.06 | 001339-03 | 20537937 | 10-1013/11494 |
| "VILSON HAMKOR" МЧЖ | 300620810 | 16.11.07 | 002877-03 | 22104154 | 10-1013/11495 |
| "INVEST ELITE STROY" МЧЖ | 300516535 | 23.07.07 | 002669-03 | 22015769 | 10-1013/11496 |
| "MONOLIT DARE" МЧЖ | 300083847 | 19.12.06 | 002262-03 | 21464152 | 10-1013/11497 |
| "CHAYKI INTERNATIONAL" МЧЖ | 202007917 | 12.02.02 | 718м(2176) | 16393295 | 10-1013/11498 |
| "SANOI NAFISA SERVIS" МЧЖ | 206724924 | 19.07.06 | 001842-03 | 21341981 | 10-1013/11499 |
| "NODIR ALADIK" ХФ | 206987811 | 21.01.09 | 003636-03 | 22646406 | 10-1013/11500 |
| "UGOL BIZNES" МЧЖ | 300950986 | 29.09.08 | 003460-03 | 22554242 | 10-1013/11501 |
| "HAO YUN LAI TRADE" ХК | 300076063 | 11.12.06 | 002250-03 | 21464100 | 10-1013/11502 |
| "PARVOZ-ISHONCH" МЧЖ | 300847194 | 28.05.08 | 003262-03 | 22415902 | 10-1013/11503 |
| "AHNPHOTOLINK" МЧЖ | 205611077 | 12.04.05 | 000901-03 | 20153390 | 10-1013/11504 |
| "IBODAT-MUSHTARIY" МЧЖ | 300915560 | 21.08.08 | 003399-03 | 22478825 | 10-1013/11505 |
| "SKY INVESTMENTS" МЧЖ | 205222885 | 16.08.05 | 000523-03 | 19780414 | 10-1013/11506 |
| "SAN'AT MEDIA" МЧЖ | 206963177 | 02.06.08 | 003270-03 | 22451692 | 10-1013/11507 |
| "AVENSIS" ХК | 202580222 | 29.05.98 | 300/9(2260) | 17022804 | 10-1013/11508 |
| "YANTAR-BIZNES" МЧЖ | 205228394 | 28.12.06 | 002282-03 | 19779888 | 10-1013/11509 |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой мобайнида Тошкент ш., Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани Ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 15 июндаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Раҳбар исм-шарифи | Манзили | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|
| "ZAVQ SOLAR" МЧЖ | 301337734 | А.Абдуллаев | Хоразм вил. Қўшкўпир тум. Бекманов ж/х | 10-1014/8844 |
| "MUNISAXON KAPITAL" ХК | 204646224 | Ш.Ибрагирмов | Сағбон т-2, 133 | 10-1014/8845 |
| "GRAND-AZIYA-INVEST" МЧЖ | 205889277 | Д.Сабитов | Чуркина-38 | 10-1014/8839 |
| "GRANA-ALTAY" ШК | 205886258 | О.Новикова | С.Раҳимов кўч., 396 | 10-1014/8840 |
| "SECOND-NET" ХК | 300953942 | Х.Тухтасинов | Федоров кўч., 4а | 10-1014/8838 |
| "MOBILE GRAND LYUKS" ХК | 300677415 | И.Ахмедов | Форобий кўч., 10-7 | 10-1014/8828 |
| "TOG'-KON-BURG'ULASH" МЧЖ | 301065883 | А.Алматов | Назарбек қ.ф.й., Алоқа пр. 1, 2 | 10-1014/8830 |
| "ABDUKARIM-QURILISH" ХК | 202822078 | Ж.Қодиров | Ш.Фарҳод пр-2, 13 | 10-1014/8841 |
| "URALGAZSTROYMONTAJ" МЧЖ | 301024087 | Б.Эгамбердиев | Юнусобод-19, 12-70 | 10-1014/8844 |
| "INOYAT GOLD SERVIS" ХК | 300135170 | Ш.Низамитдинов | Себзор, 11-29 | 10-1014/8829 |
| "ABDUG'OPUR-BUSINESS" ХК | 300688734 | Ғ.Махаматов | Бобожонов-111 | 10-1014/8832 |
| "ZARA-HOL" ХК | 300927371 | Д.Мирсаидов | Дадабоев-93 | 10-1014/8826 |
| "MAXBUDA PLYUS" ХК | 300974513 | М.Мамарахимова | Сағбон, 1-1 | 10-1014/8837 |
| "DURDONA-R-DIZAYNER" МЧЖ | 205361279 | М.Хабибуллаев | Икромов кўч., 1 | 10-1014/8836 |
| "GOLD DESIGN PLUS" ХК | 301295186 | А.Раҳимов | Ген.Узоқов, 60а | 10-1014/8835 |
| "INTEGRAL SERVIS" МЧЖ | 301080519 | Ш.Асретдинов | Чакичмон-6 | 10-1014/8834 |
| "SAXOVAT-KO'NGIL" МЧЖ | 300974552 | С.Ходжаев | 2-Тараққиёт кўч., 27 | 10-1014/8833 |
| "XOLIDAHON-BIZNES" ХК | 301032426 | Х.Сотволдиева | Қорақамиш 2/4, 44-4 | 10-1014/8842 |
| "LAZIZBEK SHIRINLIKLARI" ХК | 300828684 | У.Тахтабеков | Колхоз кўч., Горман тор кўч., 3 | 10-1014/8843 |
| "SK MEGA TRADE" МЧЖ | 300758511 | С.Солихов | Садоий кўч., т-1, 4 | 10-1014/8827 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошла 2 ой муддат давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 23 июлдаги 10-1005/12361-сонли ажримига асосан Яккасарой туманидаги "VIBERG AZIORA" МЧЖ (юридик манзили: Фарҳод кўчаси, 6а-уй), 10-1005/12362-сонли ажримига асосан "GREAT FUTURE BUISNESS" МЧЖ (юридик манзили: У.Носир кўчаси, 100-уй), 10-1005/12363-сонли ажримига асосан "MATBAA QURILISH SAVDO" МЧЖ (юридик манзили: У.Носир кўчаси, 136-уй, 8-корпус) ҳамда 10-1005/12364-сонли ажримига асосан "SAVSANPETROL" МЧЖ (юридик манзили: Глинка кўчаси, 41а-уй) бўйича банкротлик кузатув жараёни бошланган. Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 1 август куни соат 10.00 да Яккасарой туман ДСИ биносида қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, 3-қават, 310-хона. Корхоналарнинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2010 йил 20 август соат 11.00 да Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биносида бўлиб ўтади. Тел. 250-70-87.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 5 июлдаги 10-1019/9263-сонли ҳал қилув қарорига асосан Бектемир туманидаги "Primium gold" МЧЖ бўйича банкротлик иши қўзғатилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланган. Мазкур корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак шаклидаги штамплар бекор қилинади. Ушбу корхона кредиторлари Тошкент ш., Х.Бойқаро кўчаси, 92-уй, Бектемир туман ДСИ биноси, 220-хонага мурожаат қилишлари мумкин. Корхона кредиторларининг барча эътироз ва даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мудда мобайнида Бектемир туман ДСИ биносида қабул қилинади. Тел. 295-14-77.

## ЭЪЛОНЛАР

### ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик, жиноят ишлари. Адвокатлик фирмаси.*
Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.*
Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.*
Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

### БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Баланслар. Маслаҳатлар бериш. Тел. 100-65-80.

### АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.*
Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

### ХИЗМАТЛАР

Компьютер ва ташкилий техникага тез ёрдам. Веб-сайтлар яратиш.
Тел. 380-73-71. Олег.

Компьютерларни таъмирлаш. Тел. (+99890) 321-15-99.

Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш.
Тел. (+99897) 340-45-08.

Компьютерлар ва ташкилий техникани дастурий ва техник таъмирлаш.
Тел.: 102-72-98, 244-58-12.

Лазерли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 337-59-17. Анатолий.

***Хизматлар лицензияланган.**

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 18 июндаги қарорларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона | СТИР |
|---|---|
| "KENTAVR" МЧЖ | 200532757 |
| "KAPREMSERVIS" ХК | 205601746 |
| "YANTOQ" ХК | 203531907 |
| "GLOBAL INFORMATION GROUP" ХК | 300988313 |
| "HARUSHA-MAYUR LTD" МЧЖ | 200524892 |
| "MAXLIYO BIZNES" ХК | 300610507 |
| "NET BIO CLEAN" МЧЖ | 300783624 |
| "ARIANNA PLUS" МЧЖ | 205795410 |
| "AZ-UMED-PULSE" МЧЖ | 300453583 |
| "DINEX-SERVIS" ХК | 205273514 |
| "ARUNA DOMUS" ХК | 300054082 |
| "QAMASHI NET SERVIS" МЧЖ | 300080162 |
| "BINOS-MAGNAT" МЧЖ | 300609387 |
| "OMAD SERVIS PLUS" МЧЖ | 301021907 |
| "UNIVERSAL SAVOD" МЧЖ | 206362403 |
| "AXILLIK-DO'STLIK" МЧЖ | 206306709 |
| "MODULE BUSINESS PROJECT" МЧЖ | 301000742 |
| "BULMARG" МЧЖ | 204485544 |
| "POLITRA PLUS" МЧЖ | 300335469 |
| "EVERTEKS GENERAL" МЧЖ | 206783418 |
| "BARAKA FAYZ" МЧЖ | 204284920 |
| "BAXTLI KELAJAK UCHUN" ШК | 201981150 |
| "TOXIR BIZNES PLUS" ХК | 300833079 |
| "LUCKY WHEEL" МЧЖ | 301113260 |
| "KONSUL-NORMA" ХК | 205495135 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхона рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги таъсис ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 122-уй манзилгоҳи бўйича Олти ой ва ундан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 9 июль ва 12 июлдаги ажримларига асосан Юнусобод туманидаги банкротликка доир иш қўзғатилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "Avtojamlanma salar" ШК | 10-1008/11772 |
| "Sadikov" МЧЖ | 10-1008/11773 |
| "Arzon dori" МЧЖ | 10-1008/11771 |
| "Image art medium" МЧЖ | 10-1008/11729 |
| "Dizayn stile biznes" МЧЖ | 10-1008/11730 |

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2010 йил 2 август куни соат 8.30 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 15-хонада ўтказилади. Тел. 235-87-26.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 1 июндаги ажримларига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги банкротлик иши қўзғатилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Ажрим рақами |
|---|---|
| "AL-TA'MIR-MILLENIUM" ХК | 10-1017/10517 |
| "BUNYODKOR QURILISH" АЖ | 10-1017/10518 |
| "ROSUZ KAPITAL BIZNES" КК | 10-1017/10519 |
| "REAL PROJECT" МЧЖ | 10-1017/10520 |
| "ROILS PLAST" МЧЖ | 10-1017/10521 |
| "RUHSHON MZM" МЧЖ | 10-1017/10522 |
| "BINOS MAGNAT" МЧЖ | 10-1017/10523 |
| "ZARINA SAVDO" ХФ | 10-1017/10524 |

Иқтисодий–ҳуқуқий газета
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
**ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.*
*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*
*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 660 Адади 4325. Баҳоси келишилган нархда
*Газета 2010 йил 30 июлда соат 19.30 да топширилди.*
*ISSN 2010-5223*